

СПОРТ МАКТАБИНИНГ ГАНДБОЛ СЕКЦИЯЛАРИГА ЁШ ГАНДБОЛЧИЛАРНИ САРАЛАБ ОЛИШДА ТРЕНЕР- МУРАББИЙЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Йўлдошев Жавлонбек Дилшод ўғли

(УрДУ Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси
ва методикаси йўналиши магистранти)

Аннотация: Ушбу мақолада спорт мактабларининг гандбол секцияларига ёш болаларни танлаб олишда мураббийларни ўрни ва аҳамияти ҳақида баён қилинган. Бундан ташқари ёшларни спорт секцияларига танлаб олишда нималарга аҳамият бериш кераклиги ва қандай синовлар олиб борилиши тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Мураббий, спортчи, саралаш, танлаб олиш, шуғулланувчи, гандбол, жисмоний тайёргарлик, қобилият.

Аннотация: В данной статье рассказывается о роли и значении тренеров при отборе детей младшего возраста в гандбольные секции спортивных школ. Кроме того, дается подробная информация о том, на что следует обратить внимание при отборе молодежи в спортивные секции и какие тесты будут проводиться.

Ключевые слова: Тренер, спортсмен, квалификация, отбор, занимается, гандбол, физическая подготовка, способности

Annotation: This article describes the role and importance of coaches in the selection of young children to the handball sectors of sports schools. In addition, detailed information is given about what should be given importance in the selection of young people to sports sectors and what tests will be carried out.

Key words: Coach, athlete, qualifying, selection, engaged, handball, physical fitness, ability

Маълумки, халқаро спорт майдонида юқори даражадаги ютуқларга эришишга қаратилган жиддий рақобат спорт бўйича ҳаракат фаолияти турларига бўлган иқтидор, қобилият ва мойилликни аниқлаш заруриятини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади. Спортда устувор етакчиликка даъвогар мамлакатларнинг

деярли барчаси спортда танлаш ва саралашга оид ўз тизимини жадаллик билан ишлаб чиқмоқда. Ҳозирги кунга келиб спорт бўйича Европа минтақасига кирувчи давлатлар, шунингдек Осиё ва Шимолий Америкада спортга саралаш ва йўналтириш бўйича ишлаб чиқилган самарадор мезонлар тизими мавжуд. Бу таркибга Австралия ва Африка давлатларини ҳам киритиш мумкин.


Спортга истеъдодли болаларни болалар-ўсмирлар спорт мактабларига саралаш, шунингдек, уларнинг келажакдаги натижаларини башорат қилишнинг илмий асосланган услублари спортчиларни янги бошловчилардан то ҳалқаро тоифадаги спорт усталигигача тайёрлаш тизимининг энг муҳим босқичлари ва ажралмас қисмига айланди. Лекин спортда саралаш муаммосининг бугунги кунда оммавийлиги натижаларнинг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга, айрим маълумотларга қараганда, сўнгги йилларда айрим спорт турларида оммавийликнинг пасайиши кузатилмоқда. Аксарият ёш спортчилар машғулотларнинг биринчи йилида айрим сабабларига кўра БЎСМдан чиқиб кетадилар. Истеъдодли спортчиларнинг спортдан эрта кетишининг энг кўп учрайдиган сабаблардан бири болалардаги мавжуд кўрсаткичларининг спорт тури хусусиятларига мос келмаслигида ўз ифодасини топмоқда.

Спортчиларни тайёрлашда тренер-ўқитувчиларнинг муваффақиятли фаолиятини, селекция и саралаш масалаларини тадқиқ қилиш масадидда 14 та турли вилоят ва туманлардан бўйича гандбол бўйича тренер-ўқитувчилар (42 нафар тренер-ўқитувчи) иштирокида ўтказилган анкета сўровлари натижалари таҳлили куйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди.


1. “Сизнингча, спорт билан шуғулланиш учун саралаш ишлари қачондан бошланиши керак?”, деган саволга респондентлардан 4,8% гандбол спорт турига саралашни “мактабгача таълим ташкилотларидан бошлаш керак”, 9,6% респондент бу саволига жавоб бермади, 4,8% “айнан 2-синфдан бошлаш керак”, 61,8% эса гандбол спорт тури бўйича “1-4 синфлардан бошлаш керак”, 19% респондентлар ҳам 1-4 синфлардан бошлаш керак, фақат чуқурлаштирилган ҳолда, деган жавобни берганлар. Бундан кўринадики, респондентларнинг аксарият қисми гандбол спорт тури бўйича шуғулланишни 1-4 синфлардан бошлаш керак ва айримлар чуқурлаштирилган ҳолда шуғуллантириш керак деб ўйлайди. Сирдарё тумандаги 32 йиллик тажрибага эга бўлган тренер-ўқитувчи болаларни мактабгача таълим ташкилотидан бошлаб гандбол спорт турига йўналтириш керак, деб жавоб берган. Ҳақиқатдан ҳам айрим

гандбол элементларини, айниқса мини-гандбол элементларини мактабгача таълим ташкилотларга киритиш мақсадга мувофиқ бўлади деб уйлаймиз.

2. “Болаларни нимага асосланиб саралайсиз? – деб берилган саволга жавобан 14,3% гандбол спорт тури бўйича тренер-ўқитувчилар “шахсий тажрибамга таяниб”, 13,1% эса “боланинг қизиқишига қараб”, 10,7% “тиббий маълумотномага кўра” ва “техник-тактик тайёргарлигига қараб”, 9,5% “Боланинг интилишига қараб, 37 %, 8,3% “машғулотларнинг ўзлаштирилишига қараб”, фақат 7,1% “Жисмоний сифатларнинг ривожланишига кўра (чаққонлик, эпчиллик, чидамлик)”, деб ўз муносабатларини билдирганлар (1 – расм).



1-расм. “Болаларни нимага асосланиб саралайсиз?” саволига респондентларнинг жавоблари натижалари “Саралашда болаларнинг жисмоний тайёргарлигини аниқлаш учун қандай тест меъёрларидан фойдаланасиз? – деган саволга 11,9 0% тренер-ўқитувчи моқисимон югуриш, 4% “Алпомиш” ва “Барчиной” тестлари меъёрлари, 11,1% узунликка сакраш, 10,3 % югуриш (30 м, 60 м, 100 м), 5,6% арғимчида сакраш, 6,3 % теннис тўпини улоқтириш, 1,6% граната улоқтириш, 3,2% жамоа билан ўйин, 4,8% турникда тортилиш, 4% тўп улоқтириш, 7,1% тўсиқлар орасидан тўп олиб юриш, 11,1 % дарвоза бурчакларига зарба бериш, 2,4% тўпни майдон бўйлаб олиб юриш, 3,2% мини-гандбол ўйини асосида, деб жавоб берганлар (2 – расм).



2-расм

“Саралашда болаларни жисмоний тайёргарлигини аниқлаш учун қандай тест меъёрларидан фойланасиз?” саволига респондентларнинг жавоблари натижалари

“Саралаш ишларини муваффақиятли олиб бориш учун тренер қандай фазилатларига эга бўлиши лозим?, - деб берилган саволга жавоблар қуйидагича тақсимланди: 38,0% гандбол спорт тури бўйича профессионал, 19,0% эса келажакни кўра олиш, 14,4% саралаш бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш, 9,4% новатор бўлиш керак деб жавоб берганлар, 4,8% респондентлар фикрича, муррабий болаларни жалб қилиш ва қизиқтира олиши ҳамда юксак фазилатларга эга бўлиш лозим, 2,4 % эса мулоқотчанлик, ташкилотчилик кўникмаларига эга, болаларга мос тест-машқларини бажартира оладиган, ўз-устида ишлайдиган тренер бўлиши керак, деб фикр билдирганлар (3 – расм).

Шундай қилиб, ҳар бир тренер ўзининг тажрибасидан ва билимларидан келиб чиқиб, саралашни амалга оширишни билдирган. Бу, ўз навбатида, ноадекват баҳолашга олиб келади, бу саралашнинг бир ҳил тизими йўқлигидан дарак беради ва ягона саралаш технологиясини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради. Саралаш пайтида иқтидорли болалар натижа кўрсатмаса ҳам, лекин кейинроқ жуда яхши натижа кўрсата олиши эҳтимоли назардан четга четда қолиб кетмоқда. Чет элда, айниқса Европада одам ресурслари кам бўлганлиги учун ҳар бир болани спорт турларига жалб этишда рақобат кучли.



3-расм

“Саралаш ишларини муваффақиятли олиб бориш учун тренер қандай фазилатларига эга бўлиши лозим?” саволига респондентларнинг жавоблари натижалари

Бошқа спорт турлари каби гандбол спорт турида ҳам ҳалқаро майдонда юқори натижалар кўрсатилмоқда. Гандбол ўйини кейинги пайтларда шиддат билан ривожланиб, томошабинбоп спорт турлари даражасига етди. Мусобақалар давомида ўйин фаолиятининг юқори даражага етганки, ўйинчиларнинг ўз қобилиятларини намоён этишга имконияти ортиб бормоқда ва гандболнинг оммавийлиги янада ошмоқда. Ўйин техникаси янада кенгайиб бормоқда. Ҳалқаро майдонда гандбол спорт тури бўйича юқори натижаларга эришиш учун кўпроқ ёшларни жалб этиш ҳамда улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва мақсадли тайёрлаш тизимини, саралаш технологиясини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар ва тадқиқотлар ўтказилиши талаб қилинмоқда. Шу муносабат билан иқтидорли ва истиқболли ёш гандболчиларни саралаш технологияси тўртта асосий компонентларни (босқичларини) ўз ичига олади:

- 1) мақсад – модель,
- 2) ташҳис – диагностика,
- 3) таҳлил – аналитика,

4) лаёқатни аниқлаш.

Ҳар биттасини алоҳида кўриб чиқамиз.

Замонавий гандболда ўйин ҳаракатларининг юқори суръати, ўйин вазиятларининг тез ўзгариши, тўпни эгаллаб туриш вақтининг чекланганлиги, эмоционаллик ва бу ўйиннинг бошқа хусусиятлари спортчиларнинг тайёргарлигига юқори талаблар қўяди. Сўнгги йилларда ўйин янада жадаллашди. Бу, биринчи навбатда, манёвр олиб бориш, ўйинчиларнинг тез ҳаракатланиши, тўп учун шиддатли кураш ёки майдоннинг ҳар бир қисмидан жой эгаллаш учун жадал курашга киришишда намоён бўлмоқда. Рақибларнинг фаол қаршилиги, ҳаракатларнинг юқори тезликда бажарилиши, техник – тактик ҳаракатларларнинг мураккаблиги оқибатида юзага келган катта асаб–психик зўриқиш спорт–ўйин фаолиятини янада мураккаблаштиради. Гандболчиларнинг мусобақа фаолияти самарадорлигини ошириш бир қатор тайёргарлик кўрсаткичларининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Спорт ихтисослигини эрта босқичда мос танлаш ўта муҳим, зеро бу танлов организмнинг генетик захираси тугаши сабабли спорт маҳорати ўсишининг тўхтаб қолишига олиб келмаслиги керак. Ёш гандболчиларнинг иқтидорини ташхислашга муҳим даражада таъсир қилувчи бир қатор мезонлар катта аҳамиятга эга. Мезонларга махсус қобилиятларнинг сифат-сон тавсифлари киради. Бироқ максимал тўлиқ ахборотни тўплаш техник жиҳатдан қийин. Шунинг учун долзарб илмий вазифа бошланғич саралаш жараёнида комплекс баҳолашнинг етарли минимумини аниқлашдан иборат.

Саралаш пайтида болаларнинг қобилиятлари ҳам бир хил ёрқин ифодаланган бўлмайди. Бу, биринчи навбатда, уларнинг ҳаракат режими, етилиш суръатлари, ижтимоий ва бошқа омилларнинг бир–биридан фарқ қилиши билан боғлиқ. Спортга саралаш масаласини ҳал этишда комплекс ёндашув тамойили нафақат кенг кўламли маълумот олишга, балки махсус қобилиятларни шакллантириш мумкинлиги нуқтаи назаридан ҳар хил ҳаёт фаолияти соҳаларига тааллуқли бўлган кўрсаткичларни таққослашга имкон беради. Шахснинг барча сифатлари ва ҳоссалари бир – бири ва ўйин фаолияти самарадорлиги билан мураккаб муносабатда бўлади. Шунингдек, улар спорт тайёргарлиги жараёнида ўзгаришларга учрайди. Муносабатлар ва ўзгарувчанлик қонуниятлари саралашда қобилиятларни тўғри ва ўз вақтида баҳолашга йўналтиради.

Спортга саралаш технологиясини ишлаб чиқишда спорт машғулоти вазифаларини босқичма-босқич ва ёш гандболчилар бошланғич тайёргарлигининг якуний вазифаларини самарали ҳал этиш мақсадида спортчиларнинг истиқболини

аниқлаш воситалари ва усулларидан самарали фойдаланилган ҳолда шуғулланувчилар имкониятларини баҳолаш услублари, усуллари сифатида уни тушуниш бошланғич позиция бўлди.

Саралаш пайтида болаларнинг қобилиятлари ҳам бир хил ёрқин ифодаланган бўлмайди. Бу, биринчи навбатда, уларнинг ҳаракат режими, ўсиши суръатлари, ижтимоий ва бошқа омилларнинг бир–биридан фарқ қилиши билан боғлиқ. 9-18 ёшдаги мактаб ўқувчилари орасида ўтказилган сўровномада шу аниқланганки, спорт ихтисослигининг танланиши кўп ҳолларда тасодифий тарзда содир бўлади.

Спортга саралаш масаласини ҳал этишда комплекс ёндашув тамойили нафақат кенг кўламли маълумот олишга, балки махсус қобилиятларни шакллантириш мумкинлиги нуқтаи–назаридан ҳар хил ҳаёт фаолияти соҳаларига тааллуқли бўлган кўрсаткичларни таққослашга имкон беради. Шахснинг барча сифатлари ва ҳоссалари бир–бири ва ўйин фаолияти самарадорлиги билан мураккаб муносабатда бўлади. Шунингдек, улар спорт тайёргарлиги жараёнида ўзгаришларга учрайди. Муносабатлар ва ўзгарувчанлик қонуниятлари саралашда қобилиятларни тўғри ва ўз вақтида баҳолашга йўналтиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг —Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида ги Қонуни. Тошкент, 5 сентябр 2015 йил. 174 – сон Халқ сўзи газетаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида ПФ-5368-сон фармони. 2018-йил 5-март.
3. Pavlov Sh., Abdurahmonov F., Akromov J. “Gandbol” darslik. T, O‘zDJTI 2005 y.
4. D.K.Karimov “Organizational and pedagogical conditions for the effective implementation of complex-combined methods of lessons in health physical culture”. American journal of social and humanitarian research. USA.09.09.2022. p 97-100.
5. D.K.Karimov, A.Karimov “Importance of effective tactical systems at football”. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol. 7 No. 12, 2019. ISSN 2056-585. 248-250 b.
6. Karimov A., Ernazarova Sh. “General physical training of handball players “Warsaw, Poland 2020.
7. O‘.L.Matnazarov, D.K.Karimov “The body of football players reacts to climate conditions”. Tezis. POLISH SCIENCE JOURNAL. 2020 yil.